



Милoddан аввалги 524 йилда Миср чўлларида 50 минг кишилик форс кўшинининг йўк бўлиб кетиши антик даврдан бери энг ёркин тарихий сирлардан бири бўлиб келган. Голландиялик профессор бу ечимни топганига ишонади.

Кадимги тарихчи Геродот Форс кироли Камбис II нинг Мисрга бостириб киришини тасвирлаб, изсиз гойиб бўлган 50 000 кишилик кўшин дахшатли кум бўрони курбони бўлганлигини ёзган. Бу фантастик тушунтириш ўшандан бери тарихчилар ва археологлар ўртасида доимий кизгин мунозара мавзуси бўлиб келган. 19-асрдан бери кўпчилик гойиб бўлган Форс армиясининг изларини кидирди - хаваскор хам, профессионал археологлар хам. Кум катламлари остида куролланган форс жангчиларининг мумияланган колдиклари топилиши кутилган эди. Бирок, тадқиқот шуни кўрсатадики, кум бўрони бутун бир армия у ёкда турсин, хатто бир одамни хам ўлдиришга кодир эмас.

Олаф Капер содир бўлган воқеани бутунлай бошқача изохлади. Унинг фикрича, кўшин саҳрода йўқолиб колмади, балки душманлар томонидан йўк килинган.

Менинг маълумотларимга кўра, Форс кўшини мисрликларнинг исёнкор рахбари, бўлажак фиръавн Петубаста III нинг кўшинлари жойлашган Дахла воҳаси томон ҳаракатланаётган эди. Петубаст пистирма кўйиб, Камбис кўшинларини мағлуб этди. Бу

галаба унга Мисрнинг катта кисмини форс боскинчиларидан озод килиш ва кейин Мемфисда тож кийиш имкониятини берди.

Камбис кўшинининг такдири номаълумлигича колгани, эхтимол, икки йилдан сўнг Миср кўзголонини ўт ва килич билан бостирган Доро I нинг хизматларидир. Доро ўзидан олдинги хукмдорнинг шармандали мағлубиятини яширишни истаб, 50 минг кишилик кўшиннинг йўк бўлиб кетишини табиий сабаблар билан изохлади.

Тарих шу кадар муваффақиятли ўзгартирилдики, тасвирланган воқеалардан 75 йил ўтгач, Геродотнинг кум бўрони туфайли Форс армиясининг ўлими хақидаги афсонани ёзишдан бошка иложи колмади.

Каперт ўз кашфиётини тасодифан килди. Сўнгги 10 йил давомида у Дакхла воҳасида археологик ишлар билан шугулланган. Бу йил у кадимги маъбаднинг тошларига ўйилган Фиръавн Петубаста III унвонларининг тўлик рўйхатини очишга муваффақ бўлди.

Археолог форслар хукмронлиги даврининг бошида воҳада кудратли калъа бўлганлигини исботлай олган. Петубаст хақида хақидаги кам маълумотни, топилган археологик артефактлар ва Геродот тарихини жамлаган голланд олими кадимий сирнинг ишончли изоҳини илгари сурди.